

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК: 811. 512.

ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ «ФАРҒОНА ТАРИХИ» АСАРИДА  
ВОДИЙ ТОПОНИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Р.Шукуров, Г.Жўрабоева

**Аннотация**

Мақолада Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибрatнинг «Фарғона тарихи» асаридаги водий топонимиясига доир қарашлари таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В данной статье проанализированы взгляды Исхакхана Жунайдуллоходжи угли Ибрата относительно топонимики Ферганской долины, отраженной в его произведении «История Ферганы».

**Annotation**

This article analyzes the views of Isakhan Zhunaydullokhoja Ibrat coals regarding the toponymy of the Fergana Valley reflected in his work «The history of Ferghana».

**Таянч сўз ва иборалар:** тарихий топонимия, хороним, полисоним, ойконим, этимон, халқ этимологияси, этнотопоним, тарихий вариант.

**Ключевые слова и выражения:** историческая топонимика, хороним, полисоним, ойконим, этимон, народная этимология, этнотопоним, исторический вариант.

**Key words and expressions:** historical toponymy, horonym, polisonym, oinokonim, etymon, folk etymology, ethnotoponyms, historical variant.

Ўзбекистон топонимияси, жумладан, Фарғона водийси тарихий жой номларини ўрганишда XIX асрнинг 2-чораги ва XX асрнинг бошларида яратилган бир қанча тарихий асарлар: Муҳаммадҳакимхон Тўранинг «Мунтахаб ат-таворих» («Сайланган тарихлар китоби»), Мирзоолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари»), Мулла Олимнинг «Тарихи Туркистон» каби асарлари билан бир қаторда илк ўзбек публицисти, шоир, муаррих ва маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибрatнинг «Фарғона тарихи» асари ҳам муҳим ўрин тутди [1,2,3,4]. Мазкур манба Исҳоқхон Ибрatнинг муаррихлик фаолиятидаги илк асари ҳисобланиб, Қўқон хонлигининг вужудга келишидан то ўтган асрнинг 30-йилларигача бўлган воқеаларни ўзида акс эттирган. Айниқса, Фарғона водийсидаги кўплаб қадимий шаҳар ва қишлоқларнинг тарихий, географик тавсифи, номланиш хусусиятлари, уларнинг турли вариантлари ва этимологик талқинларининг [5,36] тўла ёритилиши жиҳатидан катта тарихий-маданий аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Фарғона водийси тарихий топонимияси тадқиқида VIII асрга оид суғд ҳужжатлари, қадимги ва ўрта аср Хитой солномалари, X-XI асрларда бир гуруҳ араб географлари томонидан битилган китоблар, Бобурийлар даври мемуар асарлари каби манбалар қай даражада муҳим ўрин эгалласа,

Исҳоқхон Ибрatнинг мазкур асардаги водий топонимиясига оид қарашлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир [6,7,8,9,10]. Чунки муаллиф асарни яратиш жараёнида кўплаб рус шарқшуносларининг илмий асарларини ўзлаштириш баробарида шарқ тарихий манбашунослигининг ноёб намуналари ҳисобланган «Шоҳнома», «Равзат ус-сафо», «Қомус ул-аълум», «Таърихи Табарий», «Таърихи Қутодғу», «Табақоти Тоҳирий», «Мулҳақот ус-Суроҳ» ҳамда Ёкут Ҳамавийнинг «Ажойиб ул-булдон» сингари асарларини синчиклаб ўрганиб чиқади, топонимларнинг номланиш хусусиятлари, этимологиясига доир таҳлил ва талқинларини эса мазкур манбалардан келтирилган парчалар орқали изоҳлайди.

Кузатишларимизга кўра, «Фарғона тарихи» асарида водийнинг эллика яқин географик номлари қайд этилган бўлиб, муаллиф ҳудуд топонимиясига оид қарашларини асардаги «Хўқанд шаҳри биноти», «Шаҳри Андижон тарихи», «Таърихи Намангон» боблари мисолида бериб ўтишга ҳаракат қилган. Шунингдек, мазкур бобларда Фарғона, Марғилон (Марғинон), Қува (Қубо, Қубод), Хўқанд, Косон, Андижон, Шаҳрихон, Намангон, Сардоба, Лаббайтаго, Чуқуркўча, Дегрезлик, Тўрақўрган (Қалъаи Хон) сингари ўндан ортиқ полисоним ҳамда ойконимлар этимологияси ҳақида сўз юритган.

Муаррих, даставвал, Фарғона хоронимининг келиб чиқиши хусусидаги

Р.Шукуров – ФарДУ, филология фанлари номзоди.

Г.Жўрабоева – ФарДУ тилшунослик кафедраси ўқитувчиси.

фикрларини баён этиш билан бир қаторда мазкур ўлканинг географик ўрни, иқлими, табиати, аҳолисининг этногенезиси, қишлоқ хўжалиги, саноати кабилар ҳақида атрофлича маълумот берадики, тасвирдаги ушбу мукамаллик ва асар тилининг соддалиги «Бобурнома» услубини эслатади. Умуман олганда, Ибратнинг Фарғона тасвири акс эттирилган қайдларида қуйидагиларни кузатиш мумкин:

1. Фарғона водийсининг жойлашиш ўрни ва чегара ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар илова қилинади: «*Фарғона губернаси шимоли-шарқий тарафидан Самарчин, яъни Еттисув, шимоли-ғарбий тарафидан Сирдарёга, нафси Туркистон ғарби-жанубий тарафидан Бухоро хонлиқи маҳкуми то Помур, яъни Шуғнон ҳукумати мустақиласига муттасилдур. Жануби-шарқий Чинга тобе Туркистон шарқи эски Кошғар маҳкумига муттасилдур*» (4,284);

2. Ўлканинг ўзига хос табиати баён этилади: «*Фарғонани суйи сероб, ҳавоси тоза, меваси покиза, ерлари маҳсулдор...*» (4,284);

3. Аҳолисининг келиб чиқиши, этногенезиси ҳақидаги маълумотлар келтирилади: «*Фарғона аҳолиси аксариятда ўзбек, сорт, тожик, қорақалпоқ, қипчоқ, тоғ тарафлариндаги кўчманчи қирғиз ерли халқлар булардан иборатдур*» (4,284);

4. Халқининг ишлаб чиқариши ва саноатига доир фикрлар берилади: «*... бу аҳолининг саноатлари бўлур эрдики, ҳар санада неча минг сўмлик мансуҳот ипак, атлас, адрас, беқасаб ва шоҳи атрофу акнофга тарқалмоқда эди. Бухородан то Ҳиндистон ва Арабистонғача бу Фарғона ашёлари жорий эди. Бу Фарғона аҳлида бир хил галимлари бўлурки, исмини ҳидиршоҳий дерлар, қийматда, рангда, маҳкамликда ва тозаликда Кошғар, Қипчоқ, Қирғиз ва Қорақалпоқ галимларидан икки чанд баҳода сотилур*» (4,284);

5. Пойтахт ва марказий шаҳарлари қайд этилади: «*Аммо Фарғона музофотини исми бўлуб, ҳар асрда маркази ҳукумат, яъни пойтахт бир ерда маҳсус бўлуб, ўзгалари анга тобеъ бўлур экан. Чунончи, мўғуллар асрида Қубо ва Ахси пойтахт бўлуб, мусулмонлар асрида Марғинон пойтахти Ёрмозор бўлуб, Андижон пойтахти Асака бўлуб, Наманган пойтахти Тўрақўрғон бўлуб, ҳар ерда*

*ҳавоси тоза, суйи покиза ерларни ҳокимлар маркази ҳукумат иттихоз қилиб ўтар эканлар*»(4,283);

б. Ўлканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ҳақидаги маълумотлар берилади: «*Туркистон вилоятини музофотга тақсим қилганда тўрт облўстнинг бири Фарғона облўсти бўлуб, бу Фарғонани уёзга тақсим қилганда беш уёз бўлуб, Хўқанд, Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш шаҳарлари бўлуб, Фарғонага тааллуқ шаҳарлардур*» (4,283).

Юқоридагилардан кўринадики, мазкур қайдларни умумлаштириш орқали ўқувчи бевосита Фарғона водийсининг ўтган аср бошларидаги тарихий-географик, ижтимоий-сиёсий қиёфаси ҳақида ҳар томонлама тўлиқ ва батафсил маълумотга эга бўлади.

Исҳоқхон Ибрат Фарғона тарихи ҳақида фикр юритар экан, унинг жуда қадимийлигига ишора қилади: «*Бул ҳисобда Фарғонани бино бўлганига икки минг беш юзларга яқин бўлса керакдур. Барҳарҳол бу Фарғона Қубод, Нўширвон, Афросиёб ва Искандарлардан қолгон эски шаҳарлиги маълум бўладур*» (4,277). Топонимнинг этимологияси хусусидаги мулоҳазаларини эса тарихий манбаларга асосланган ҳолда баён этади: «*Шоҳнома*» да Фарғонани аввали иншо этгучи киши файласуф Фарғона бинни қилгон экан. Ул киши Афросиёби Туроншоҳийнинг умароларидан экан» (4,277). Бошқа бир манба мисолида эса Фарғона номи «ҳар хона» иборати билан боғланишини ёзади: «*Ажойиб ул-булдон*» да мастурдурки, Фарғона иборати «ҳар хона» дур. ...подшоҳ Искандар, арзларинг нимадур, деганларида: «*Арзимиз бул тургон жойимизни шаҳар қилиб берсангиз!*» деганларида, умароларидан бир бофаросат соҳиби ақлли кишини таъйин қилиб, шаҳар қилмоқга амр қилгон эканлар. Ул кишининг оти Фарғона баҳодир экан. Ул киши неча йиллар ҳаракат қилиб, ҳар шаҳардан ва ҳар хонадан одам олуб, ўтқузуб, оти «ҳар хона» деб кўюб, «ҳархона» ни «Фарғона» ўқуб, пархона, парғона деб ўқуб ва ҳам ул муассис кишининг исми қавийроқ бўлиб, Фарғона шуҳрат топган» (4,279).

Таъкидлаш кераки, Фарғона хоронимининг келиб чиқиши ўта мунозарали ҳисобланиб, унинг этимологияси ҳақида ўндан ортиқ изоҳ, тахмин ва мулоҳазалар мавжуд [11, 119]. Ибрат ривоятлар асосида

## ТИЛШУНОСЛИК

кўрсатиб ўтган *Фарғона* иборатининг келиб чиқиши, яъни Афросиёбнинг мулозимларидан саналган *Фарғона баҳодир* номи ҳамда «*ҳар хона*» бирикмаси билан алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам, фикримизча, мана шу тахмин ва фаразларнинг давомидир. Чунки Ибрат томонидан баён этилган фикрлар ёзма манбаларга асосланган бўлса-да, улар халқона этимологиядан иборат, илмий жиҳатдан эса бироз мунозаралидир. Айтиш жоизки, юртимиздаги кўплаб қишлоқ, шаҳар номлари, жумладан, *Фарғона* топоними ҳам Ўзбекистон жой номлари тизимида энг қадимги номлар қаторидан ўрин олган. Мазкур номлар вақтлар ўтиши билан таркиби ўзгариб, тилдаги бошқа сўзларга ўхшаб қолади («*Фарғона*» хороними ҳам энг қадимги ҳужжатларда «*Парғана*», «*Прағана*» шаклларида ёзилганлиги мутахассислар томонидан аниқланган [12, 56]). Натижада қадимий ном билан унинг ҳозирги шакли ўртасида шаклий ва мазмуний ўхшашлик вужудга келади. Ривоятларнинг аксарияти эса ҳозирги шаклга асосланган бўлади [13, 34]. Хуллас, асарда келтирилган «*Фарғона*» ва «*ҳар хона*» бирликлари ўртасидаги боғлиқлик ҳам мана шундай шаклий ва мазмуний ўхшашлик натижаси бўлиб, *Фарғона* хороними этимонининг илмий ечимини, мутахассислар эътироф этганидек, қадимги хитой манбалари ва суғд ҳужжатларидан излаш мақсадга мувофиқдир [14; 129, 131].

*Фарғона* водийсидаги аксарият шаҳарлар қадимдан мавжуд бўлган, лекин уларнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий қилиши ҳалокатли урушлар туфайли жуда секинлик билан ўтган, баъзан тўхтаб ҳам қолган. Бундай қадимги шаҳарлардан бири Қўқон ҳисобланиб, унинг ёши 2000 йилдан ортиқроқ даврни ташкил қилади [15, 6]. Исҳоқхон Ибрат мазкур шаҳарнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларини «*Хўқанд шаҳри биноти*» деб номланган бобда ёритиб ўтади: «*Хўқанд шаҳри Фарғонада бир катта шаҳар ўлуб, ислом подшоларини мақарри салтанати учун ибтидо Хўқанддан баён қилинодур. Важҳи тасмия будурки, хавоқини Хўқанддан ул шаҳар бўлмаган вақтда Хўқанд ўрни тўқай ва қамушзор ерлар бўлуб, ул вақтда Ҳовак хожалари тожиклар сўрар эканлар. Бул тўқайларда ҳар хил хук ва тўнғизлар юрар*

*экан. Алар ерларни кавлаб, ҳар хил овқат топиб эканлар, бу жиҳатдан тожик хожалари келганда неча ерлар кавланган экан, алар бу чуқурлар нима, кимлар кавлаган, деганларида тожики жавоб бериб, «хук канд» деганда, яъни тўнғиз кавлаган деганда ул ерни исми «хук канд» бўлуб, хук канд этмоқда қийин бўлуб, бизни туркида «қоф» ҳарфи қавий учун Хўқанд бўлган, форсий «қоф» ни туркий «қоф» га бадал қилганлар туркийлар лафзидур. Мана, энди, яна бир бадал бўлди, русча айтмоқда «қоф» йўқ «Коканд» бўлди. Шунга ўхшаш ҳар вақтда ҳар қабила лисонлари табодул ўлуб, шевалар ўзгарган, муни баъзи Хўқандийлар яхши таъвил ила Хўйқанд дерлар, яъни феъли-хўйи қанд деган эмиш» (4, 285).*

Демак, юқоридаги парчада муаррих томонидан *Хўқанд* полисонимининг этимологияси тожикча «*хук – тўнғиз, канд (кандидан) – кавламоқ*» – «*тўнғиз кавлаган*» ҳамда «*Хўйқанд*» – «*феъли-хўйи қанд*» маънолари билан боғланиши қайд этиб ўтилган. Лекин, фикримизча, бу изоҳга Исҳоқхон Ибратнинг ўзи ҳам у қадар қўшилмаган ва ушбу маълумотларни халқ орасида кенг тарқалган ривоят сифатидагина баён этган. Чунки яна бир мақоласида ушбу топонимнинг келиб чиқишига бошқача изоҳ беради [16, 2]. Бу ҳақда тарих фанлари доктори Ҳ.Бобобеков ўзининг «*Қўқон тарихи*» деб номланган асарида қуйидагиларни илова қилади: «*Исҳоқхон Тўра «Жанд шаҳри хусусида» мақоласида «хў» - «яхши» маъносини билдиришини ёзган ва уни қатор мисоллар билан тасдиқлаган». Ўз навбатида, олим ҳам Ибратнинг мазкур фикрини маъқуллайди ва унга таянган ҳолда Қўқон топоними этимологиясини (Хў – «яхши», «латиф» – қанд // канд // кент – «шаҳар») «Ёқимли шаҳар», «Латиф шаҳар» («Хўқанди латиф») сифатида изоҳлайди [15; 14, 20].*

Муаррихнинг ёзишича, *Фарғона* водийсининг қадимий шаҳарларидан яна бири Андижон ҳисобланиб, топонимнинг пайдо бўлиши ҳақидаги мулоҳазалар асарнинг «*Шаҳри Андижон тарихи*» бобида баён этилади: «*Бу Андижон аввалда Андигон бўлуб, арабийга олганда Андижон бўлур, чунончи, «кофи» форсий арабда «жим» ўқилур. Мана фаранги лафзи арабда афранжий, бангни банж. Кофи форсий*

арабда «жим» бўлиб, Андигон араб лафзларида Андигон бўлган бўлса керак. Озарбайгон арабда Озарбайжон ёзиладур ва ўқиладур. Шунга ўхшаш Андигон лафзи асли Андигон бўлса керак. Бу форсistonда қўшилгандур, чунончи, бандигон ёки мардигон дегандек. Форсийда «гон» – «лар» ўрнида «мардлар» ёки «озодагон» – «озодалар» деган сўздек. «Андигон» – «андилар» деган сўз. «Анд» турк уруғининг ўзбекларини айтур» (4,323).

Яна бир изоҳда эса Андигон полисонимининг этимологияси Афросиёбнинг қизи Одинажон номи билан боғланади: «Аммоқи, афвоҳиносда қариялар сўзидурки, Андигон аслида Одинажондур. Одинажон Афросиёбни қизидурки, анга ўрда ва боғ бино қилиб бериб, ани исмига тасмия қилиб эди. Одинажонни тилда бузуб, муншира исмини форсийда Авазжон ағлоти авом ила андижон қилган, дейдурлар» (4,324).

Топонимшунослар қайд этганларидек, ном қанча кўна бўлса, унинг этимологиясини билиш ҳам шунча қийин бўлади [17, 18]. Айниқса, келиб чиқиши икки минг-уч минг йиллик тарихга эга бўлган юртимиздаги кўплаб топонимлар номланиши жуда чуқур текширишларни талаб этади. Жумладан, Андижон полисонимининг этимони хусусида ҳам турли фараз ва тахминлар мавжуд. Улар орасида энг мақбули профессор С.Жалилов томонидан илгари сурилган хулоса бўлиб, унга кўра, мазкур полисонимнинг асоси «ад» ҳисобланади ва бу бирлик 92 уруғнинг бири саналувчи «адоқ», «адгиш» уруғининг қадимий туркча номланишидир [21; 13, 15]. Назаримизда, Исҳоқхон Ибрат таъкидлаган манбадаги биринчи изоҳ («Анд» турк уруғининг ўзбекларини айтур») ҳам бевосита мана шу илмий хулосани тасдиқлайди ва мазкур полисонимни этнотопоним сифатида баҳолаш имконини беради. Ибратнинг асарда келтирилган иккинчи изоҳи, яъни Андижон полисонимининг Одинажон антропоними билан боғланиши ҳақидаги талқинини эса халқ этимологияси сифатида эътироф этиш мумкин.

«Фарғона тарихи» да қайд этилган Андижон вилоятининг йирик шаҳарларидан яна бири Шаҳрихондир. Шаҳрихон топоними хонлик тарихига бағишланган кўплаб

манбаларда тилга олинади. Хусусан, юқорида зикр этилган «Мунтахаб ат-таворих» да Шаҳрихон // Шаҳриамир тарзида, Мирзоолим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» асарида эса Оқтепаи Шаҳрихон тарзида учраса-да, унинг келиб чиқиши, барпо этилиши ҳақидаги тўлиқ маълумот Исҳоқхон Ибрат томонидан баён этилган: «Шаҳрихонни Умархон жаннатмакон вақтида ул киши амри илан Холмуҳаммад додхоҳ тожик бино қилди. 1250-ҳижрийда бино бўлган экан» (4,325).

Демак, топонимнинг вужудга келиши Қўқон хони амир Умархон номи билан алоқадор бўлиб, турколог ва ўзбек олимлари В.В.Бартольд, З.Дўсимов, Н.Охунов эътироф этганларидек, бу ном форс-тожикча изофали бирикма («шаҳар-и хон») дан тузилган ва «хон шаҳри», яъни «хон барпо этган шаҳар» маъноларини билдиради [18, 259; 19, 149; 20, 63]. Шунингдек, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» да ҳам Ибратнинг Шаҳрихон топоними ҳақидаги мулоҳазаларини асословчи фикрлар берилади: «Шаҳрихон 1809-21 йилларда Қўқон хони Амир Умархон фармони билан қурилган (номи шундан). Ўша даврда хон фармони билан Шаҳрихон бозорига келиб савдо қилувчилардан йигим пули олинмаган. Натижада шаҳарга келувчи карвонлар сони кўпайган» [12, 86].

Асарнинг «Таърихи Намангон» номли бобида Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласи тарихи ҳақида қуйидагиларни зикр этади: «... Бухоро хонларидан Абдуллоҳхон бу Фарғона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, саққойи мўъминнингга чоҳларнинг тепасига гумбазлар қилиб, кўб халқга нафлик ишларни қилган хон экан. Ул киши бул Намангонни ерига келиб, алҳолда сардоба деган мадраса бордур, бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб, дарҳол сардоба кавлатиб, неча кунлар тутуб, ... шаҳар қилмоқ бўлган ...» Бошқа ўринда ушбу фикрларини тўлдиради: «Бу Намангон тўрт маҳалла бўлуб, биринчи маҳалла Сардоба маҳалласидурки, аввали Абдуллоҳ сардоба бино қилган еридур» (4,325). Шу ўринда таъкидлаш лозимки, профессор Н.Улуқовнинг қайд этишича, Бухоро хони Абдуллоҳхон ҳижрий 906

## ТИЛШУНОСЛИК

йилда, милодий сана билан 1500 йилларда, Наманган шаҳрига келиб сардоба қурдирган. Бироқ бу сардоба ҳозиргача етиб келмай бузиб юборилган. Ана шу сардобага нисбат берилиб, унинг атрофидаги Наманганнинг энг катта маҳалласидан бирига *Сардоба* номи берилган ва бу ном ҳозиргача сақланиб қолган. Мазкур манбага кўра эса Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласи 500 йиллик тарихга эга [10, 38].

Муаррих яна бир ўринда номланишига жойнинг рельеф тузилиши асос бўлган *Чуқуркўча* ойконими этимонини изоҳлайди: «*Бир маҳалласини «Чуқур кўча» дерларки, ул Намангоннинг ҳамма кўчасидин чуқурроқ учун Чуқур кўча тасмия бўлган» (4,326)*. Наманган шаҳридаги *Дегрезлик* ойконимининг келиб чиқиши хусусида эса шундай ёзади: «*Ва бир маҳалласи Дегрезликдурки, ул ҳамма шаҳарларда бор бир жамоа «қозон қуядурғонлар» келиб жойланган бир маҳалладур» (4,326)*. Ибрат таъкидлаганидек, мазкур ойконимнинг вужудга келишида аҳолисининг касб-кори эътиборга олинган.

Юқорида таҳлил этилган барча мисоллардан кўриниб турибдики, Исҳоқхон Ибратнинг «*Фарғона тарихи*» асари водийнинг тарихий топонимиясига оид бой ва қимматли маълумотларни, қолаверса, ушбу ҳудуд жой номлари хусусидаги қадимий манбалардан келтирилган қайдларни, халқ оғзаки ижодига мансуб ривоят афсоналарни ўзида жамлаган ўзбек халқининг ноёб ёзма ёдгорликларидан биридир. Ибратнинг топонимлар борасидаги таҳлил ва талқинларининг аксарияти халқ этимологияси таъсирида ёритилган бўлса-да, лекин улар орасида илмий жиҳатдан асосланган фикрлар ҳам талайгина. Мазкур хулосалар эса, ўз навбатида, чуқур текширишларни талаб этиш баробарида уларни илмий муомалага олиб киришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, Исҳоқхон Ибратнинг «*Фарғона тарихи*» асари Фарғона водийси топонимиясининг тарихий вариантлари, келиб чиқиши ва номинатив-мотивацион хусусиятларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади

## Адабиётлар:

1. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. –Т.: Янги аср авлоди, 2010.
2. Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. –Т.: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
3. Мулла Олим. Тарихи Туркистон. – Т., 1915.
4. Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Мерос, 1991.
5. Улуқов Н., Неъматова Ю. Исҳоқхон Ибрат топонимлар ҳақида // *Ўзбек тили ва адабиёти*. 2017 йил, 2-сон.
6. Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. – М., 1973.
7. Муқаддасий. Аҳсан ул-тақосим фи маърифати ул-ақолим. БГА. 3-жилд.
8. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Т.: Yangi asr avlodi, 2015;
9. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: Шарқ, 2010;
10. Фиёсиддин Бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. – Т.: Sharq, 2011.
11. Ҳасанов Ҳ. Географик номлар сири. – Т.: Ўзбекистон, 1985.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2002. www.ziyouz.com кутубхонаси.
13. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. Т.: Муҳаррир, 2009.
14. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар. – Фарғона, 2013.
15. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996.
16. Туркистон вилоятининг газети. – Тошкент.-1900 йил, 43-сон.
17. Qoraev S. Toponimika. – Т.: O'zbekiston faylasufi milliy jamiyati, 2006.
18. Бартольд В.В. Сочинения. -Т.1. – М., 1963.
19. Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1977.
20. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
21. Жалилов С., Шокаримов С. Андижон (ўзбек ва рус тилларида). – Андижон, 1993.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)